

# Савоб иш қилишда мусобақалашиш | Ҳадис дарслари (352-дарс)



19:00 / 05.11.2025 1052

???? ?????? ????? ?????????? ?????? ?????? ????????? ?

???? ?????????? ?????? ?????????? ?????? ????????????

????????????? ??????: ?????????????????? ??? ??????????

????????????????? ?????? ?????????????????????? ??????????

????????????????? ?????????????????? ??????????????

????????????????? ?????????????????? ??????????????

????????????????? ?????????????????? ?? ?????????? ?????? ??????????.

??????? ????????? ???????????????????.

Каъб ибн Ужра розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«(Намоз) **ортидан келувчиларни айтувчилар ёки қилувчилар ноумид бўлмаслар. Ҳар бир намоз ортидан ўттиз учта тасбеҳ, ўттиз учта ҳамд ва ўттиз тўртта такбир», дедилар».**

Муслим ва Термизий ривоят қилганлар.

**Шарҳ:** Ушбу ҳадисда келган ҳар бир намоз ортидан ўттиз уч марта «Субҳаналлоҳ», ўттиз уч марта «Алҳамдулиллаҳ», ўттиз тўрт марта «Аллоҳу акбар»ни зикр қилиш кейинги ривоятларда келадиган зикрлар билан уйғунлашиб, амалда айтиладиган бўлган.

???? ?????????????????????????????????????????

????????????????????????????????????????????????

????????????????????????????????????????????????

????????????????????????????????????????????????

????????????????????????????????????????????????

????????????????????????????????????????????????

????????????????????????????????????????????????

????????????????????????????????????????????????

????? ??????? ?????? ?????????? ???????????: ????????

????????????????? ?????????? ?????????????????? ?????? ??????

????????????????? ?????????????????? ?????? ?????? ??????????????????

?????? ?????????? ?????????? ?????????????? ?????????????? ??????????

????? ?????????? ?????????? ??? ?????????????????? ??????????: ???????

??? ?????????? ?????????? ??????: ??????????????????

????????????????????? ?????????????????????? ?????????? ???????

?????????? ?????????????? ?????????????????????? ??????????. ???????

??????? ??????????: ?????????????? ??????????????

????????????????????????? ??????? ?????????????? ??????? ?????????? ???????

????????????? ?????????????? ??????????????: ????????

????????????????????? ?????????? ?????????????????????? ??????? ??????????????

????????????????? ?????????????? ?????????????? ?????????????? ???????

????????? ??????? ?????????????? ??????????????: ?????????? ??????????

??????? ?????????????? ?????? ?????????????? ??????????

?????????????.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Фақир муҳожирлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб:**

**«Мол-дунёси кўплар даражотларни ва доимий неъматни олиб кетдилар», дейишди.**

**У зот:**

**«У нимадир?» дедилар.**

**Улар:**

**«Биз намоз ўқиганимиздек намоз ўқирлар. Биз рўза тутганимиздек рўза тутарлар. Улар садақа қилурлар. Биз садақа қила олмасмиз. Улар қул озод қилурлар, биз озод қила олмасмиз», дедилар.**

**У зот:**

**«Сизни ўзингиздан олдингиларга етиб олишингиз, ўзингиздан кейингилардан ўтиб кетишингизга сабаб бўладиган, сиздан ҳеч ким афзал бўлмайдиган, фақат сиз қилганни қилсагина бўладиган нарсага далолат қилайми?» дедилар.**

**Улар:**

**«Ҳа, эй Аллоҳнинг Расули», дейишди.**

**У зот:**

**«Ҳар намоздан кейин ўттиз уч марта тасбеҳ, такбир ва таҳмид айтасиз», дедилар».**

**Абу Солиҳ:**

**«Фақир муҳожирлар яна Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига қайтиб келиб:**

**«Мол-дунёси кўп биродарларимиз биз қилган нарсани эшитиб қолиб, ўшанга ўхшаш ишни қилдилар», дейишди.**

**Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«У Аллоҳнинг фазлидир, хоҳлаган кишисига берур», дедилар».**

*Тўртовлари ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Ушбу ҳадисда мусулмонларнинг биринчи авлодига хос бир фазилат устида сўз бормоқда. У ҳам бўлса, савоб иш қилишда бир-биридан ўтишга ҳаракат ва унга эришиш йўллари излашдир.

Фақир-мискинликлари туфайли бой-бадавлат кишиларга ўхшаб садақа қила олмай, қул озод эта олмай юрган муҳожир саҳобалар қандай қилиб кўпроқ ажру савобга эга бўлиш йўлини сўраб келдилар. Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни намоздан кейин зикр қилишга иршод қилдилар.

Келинг, ушбу ҳадиси шарифдан олинадиган фойдаларни бир бошдан кўриб чиқайлик:

1. Кўп савоб олаётган кишиларга ҳавас билан қараш мумкинлиги.
2. Билмайдиганлар биладиган кишилардан сўрашлари кераклиги.
3. Садақа ва қул озод қилиш кўп ажр келтириши.
4. Ҳар намоздан кейин ўттиз уч марта «Субҳаналлоҳ», «Алҳамдулиллаҳ» ва «Аллоҳу акбар»ни зикр қилиш, кўп мол садақа қилиш ва қул озод этишдан ҳам кўпроқ савобга сабаб бўлиши.
5. Фақир муҳожирларнинг иложи борича кўпроқ савоб олишга интилишлари.
6. Исломда шукр қилувчи бойнинг яхши эканлиги.

????? ???????? : ?????????????? ?????? ??????? ???????  
?????? ?????????? ??? ????????? ?????? ?????? ??????????  
???????? ?????????????? ????????? ??????? ??????? ???????  
?????????.

Абу Довуд:

«**Ва уни «Лаа илааҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарийка лаҳу, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ала кулли шайъин қодийр» билан тугатарсан»** жумласини зиёда қилган.

**Шарҳ:** Зотан, ҳозир барча намозхонлар ичида шу икки ривоятдаги зикрни қилиш йўлга қўйилган.

????????? ?????????????????? ??????????: ????????????? ??????  
???????????? ?????????????????? ?????????????????? ?????? ??????????  
????????????????????? ?????????? ?????????????? ??????????????  
????????????????????? ?????????? ?????????? ?????????? ??????????

Термизийнинг лафзида:

«**Ўттиз уч марта «Субҳаналлоҳ», ўттиз уч марта «Алҳамдулиллаҳ», ўттиз тўрт марта «Аллоҳу акбар» ва ўн марта «Лаа илааҳа**

иллаллоҳу» денглар», дейилган.

?????????: ??? ???? ???? ? ? ???? ????  
???? ???? ???? ???? ????  
???? ???? ???? ???? ????  
???? ???? ???? ???? ????  
???? ???? ???? ???? : ? ? ? ? ?  
???? ???? ? ? ? ? ? ? ? ?  
???? ???? ???? ???? ????  
???? ???? ???? ???? ????  
???? ???? ???? ???? ????.

Муслимнинг ривоятида эса:

**«Ким ҳар намоздан кейин ўттиз уч марта Аллоҳга тасбеҳ айтса, ўттиз уч марта Аллоҳга ҳамд айтса, ўттиз уч марта «Аллоҳу акбар», деса ҳаммаси тўқсон тўққиз бўлур, юзтанинг тамом бўлишига: «Ла илааҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарийка лаҳу лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ала кулли шайъин қодийр»ни айтса, унинг гуноҳлари денгиз кўпиклари каби бўлса ҳам, мағфират қилинур», дейилган.**

**Шарҳ:** Имом Муслимнинг ривоятида келган зикрларнинг аввали ёки охирида «Оятул Курсий»ни қўшиб ўқишни сўфийлар жорий қилганлар. Бу «сўфийлар хатми» деб номланади. Бу нур устига нур, дейилади. Чунки «Оятул Курсий» Қуръони Каримдаги энг улуғ оятдир. Ушбу хатмни қилиш

бизда ҳам жорий бўлиб келаётир.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 5-жузи**

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 23 январдаги 03-07/362-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.